

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 4 СЎМ



Суратчи: А. ТЎРАЕВ

— КЎНГЛИМГА КИРГИН ДУНЁ

Кейинги
сонларда:



РАУФ ПАРФИ:

ЭЛЛИҚКА ҚИРАМАН

ДЕБ УЙЛАМАГАНДИМ

ҲАЛИМ САЙИД:

ТУҒМА ОҚСОҚЛИКНИ

ХУДО БЕРГАНМИ?

Яқинда Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳозирги иқтисодий танглик шароитида болалар уйларидаги аҳволи яхшилаш, жамғарманинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимидаги мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Оилавий болалар уйларида тарбияланаётган гўдакларни ижтимоий ҳимоя қилиш йиғилишининг бош мавзусига айланди. Бола оила бағридан узилар экан, тўла шарт-шароитга эга бўлган ҳар қандай тарбия маскани ҳам уни қомил инсон қилиб вояга етказиши қийин. Бироқ қаровчисиз қолган гўдак бошқа бир хонадон бағрида улгайса, унинг оила тўғрисидаги тасаввурлари изсиз йўқолиб кетмайди. Шунинг учун йиғилиш аҳли асосий эътиборни оилавий болалар уйлариغا қаратиш лозимлигини маъқулладилар.

Мамлакатимизда бу турдаги болалар уйлари ҳозирча еттига. Улар Бухоро, Жиззах, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида ташкил қилинган. Уларнинг ҳар бирида 6—8 нафар бола тарбияланмоқда. Халқаро Болалар жамғармалари Ассоциацияси ҳайъатининг қарорига асосан ҳозирги қийин шароитни ҳисобга олиб, ушбу болалар уйларига 350 минг сўм (ҳар бир оиллага 50 мингдан) маблағ ажратилди.

Шунингдек, 4 та болалар уйлари ва интернат муассасаларига ҳам жамғарма ҳисобидан 310 минг сўм ҳада қилинди.

Навбатдаги масалалардан бири жамғармадан моддий ёрдам сўраб келган ногиронлар, кўмакчиси йўқ, ёш болали аёллар аҳволига қаратилди. Бу тоифа инсонлар ҳам Болалар жамғармасидан маълум миқдорда кўмак олиб турибдилар.

Йиғилиш сўнгида жамғарманинг ўтган ойлари мобайнида эришган ютуқлари, муҳтожларга қилган хайру саховатлари билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, поғнига етказилмаган ишлар тўғрисида ҳам гаплашиб олинди.

Асосийси, Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳамيشа дили ўқсикларга меҳр улашувчи, муҳтожларга саховат кўрсатувчи, қисқаси, халқнинг ишончини оқлайдиган ташкилот сифатида қолаверини лозимлиги йиғилиш аҳли томонидан қайта-қайта таъкидланди.

УШБУ СОНДА:

ШОДИЁР МУТАХХАРХОН ЎҒЛИ
БАЛОҒАТГА ЕТГАН ҚИЗНИНГ МАҲРИ
4-БЕТ

ХЎЖАКЕЛДИ ОЛИМ:
СИЗ УНИ ҚАНЧАЛИК СЕВАСИЗ?
5-БЕТ

САНОБАР РАҲМОНОВА:
АЙТИЛМАГАН ҚУШИҚЛАРИМ БОР
8-БЕТ

(65) 47 «Оила ва жамият»

«ЁРУФ КУНЛАРГА ИШОНАМАН»

Ҳозирги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги Болалар муаммолари билан шуғулланувчи комитетнинг (ЮНИСЕФ) бир гуруҳ вакиллари Ўзбекистонда болалар муаммолари билан боғлиқ масалалар бўйича иш олиб бормоқдалар. Меҳмонлар сардори, ЮНИСЕФнинг Урта Осиё ва Қозоғистон бўлими мудири Экрем Бирардинж жаноблари билан қисқача суҳбат қурдик.

— **Муҳтарам афандим, ЮНИСЕФ қандай ташкилот ҳисобланади, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Аввало суҳбатни шундан бошласак.**

— ЮНИСЕФ БМТнинг бўлимларидан бири. 1945 йилда ташкил этилган. Мақсад иккинчи жаҳон урушидан таллофат қўрган ўлкаларнинг болаларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўлган. Дастлаб бу ташкилот Оврупа миқёсида фаолият кўрсатган бўлса, 1950 йилдан бошлаб БМТ бош ассамблеясининг қарорига мувофиқ унинг фаолияти дунё миқёсига айилди. Ҳозир 140 мамлакатда оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида иш юритмоқда. Ташкилотнинг бир неча бўлимлари бор: соғлиқни сақлаш, бошланғич таълимни жорий этиш, гигиена ва тозалик бўйича, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби.

— **Шу йилнинг март ойида ҳам келган эдингизлар. Утган давр орасида Ўзбекистон билан боғлиқ қандай ишлар йўлга қўйилди?**

— Ушанда Урта Осиёга илк бор келишимиз эди. Шароит билан танишдик. Миллий, ҳудудий имкониятлардан келиб чиқиб, муаммоларни қай йўсинда ҳал этиш юзасидан ҳар хил музокара-лар, баҳслар бўлганди. Утган сажкиз ой ичида Урта Осиё шароитига мос келадиган махсус дастур ишлаб чиқдик. Бошқа айрим мамлакатлар ҳукумати ҳам ушбу минтақага ҳар жиҳатдан ёрдам беришларини сураб мурожаат қилдик.

Тайёрланган дастурни янада мукамаллаштириб, 1993 йил апрел ойида БМТ бош ассамблеясига топшира-миз. Сунгра тегишли кўрсатмалар билан келиб ишни давом этти-ра-миз.

Бизнинг мақсад кимларга-дир озиқ-овқат, кийим-кечак бериш эмас. Шундай қилсак, бу ниҳоятда вақтинчалик ва ўтқинчи саховат бўлар эди. Мақсадимиз пухта дастур асосида ушбу минтақа аҳоли-сининг, айниқса болалар-нинг турмуш шароитини юк-салтиришдир. Бунинг учун эса, албатта, вақт талаб қил-нади. Қисқаси, болалар-нинг истиқболини кўзлаб иш тутган эл ҳеч қачон панд емаган ва иншооллох, панд емагай.

— **Бизнинг минтақада болалар ўлими анча аянчли аҳволда экан. Бунинг сабабини мутахассислар экологиянинг бузилишидан деб ҳисобла-шади. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?**

— Болалар ўлимига сабаб экология эмас. Айрим му-тахассислар онанинг кўкраги-да сут миқдори кам деб ҳи-соблайдиларки, бу ҳам унча-лик тўғри эмас. Биринчи ўринда ижтимоий аҳволнинг ночорлиги, турмуш тарзи-нинг ниҳоятда пастлиги бу каби фотей оқибатларга олиб келмоқда. Табиийки, бундай шароитда она орга-низмида керакли моддалар етишмайди, юқумли касал-ликлар кўпая боради ва ни-ҳоят нимжон танага экология ҳам ўз таъсирини тезда ўт-каза олади.

Биз соғлиқни сақлаш ва-зирлигида бўлдик, айнан шу

хусусда суҳбатлашдик. Бун-дан ташқари, дастуримиз-нинг энг асосий, биринчи ўринда турадиган масаласи ҳам болалар ўлимини камай-тиришдан иборатдир. Бироқ бу битта ташкилотнинг кў-лидаги иш эмас. Еки чакри-қлар, мажлислар билан ҳам бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Аввало, ҳар бир идора, ҳар бир шахс, ҳар бир ота-она ўзини масъул сезиши лозим. Токи, бу маса-ла бутун жамоатчилик диқ-қат марказида турсин.

— **Бир меҳмон сифатида Ўзбек халқига айтадиган гап-ларингиз борми?**

— Аввало, кучоқ-кучоқ са-ломлар айтаман. Ўзбекистон ҳозир турли-туман муаммо-лар ичидаги ўлка. Бу муш-кулотларнинг ҳаммаси ўтган йиллардаги янглиш ишлар-нинг натижасидир. Кўрдик, гувоҳи бўлдик, Ўзбекистон раҳбарияти мавжуд муаммо-ларни ҳал этиш чораларини қидирмоқда. Шуни ҳам айтиб қўяй, фақат уларнинг ҳара-кати камдир, халқ-да жипс-лашин, ҳаракат қилсин, уларни қўллаб-қувватласин.

— **Қаъний ишонган нарсан-гиз нима!**

— Оллоҳга ишонаман, сунгра Ўзбек халқи, Ўзбеки-стон, иншооллох, яқин кун-лар ичида ёруф кунларга чиқажак, деб ишонаман.

Ю. ЗИЕДОВ



Суратчи: Даврон АҲМАД

Етти кун

ТЕКИН КАТАЙСА

Денов туман ҳоқими чиқарган фармонга кўра «Чағоний» газети ходимлари Денов шаҳри ва тумани ҳудудида қатнайди-ган уловларда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шукур, жур-налистларнинг додига етадиган раҳбарлар ҳам бор экан, деб хурсандчилик билан баён этади муҳбиримиз М. Абулфайз.

«СПОРТСМЕНЛАР»

Навоий вилоятидаги 18-мактаб ўқитувчиси Ғайбулла Ғаффо-ров қишлоқ стадионини ижарага олиб, катта тўй қилди. Гап тўй-нинг катталигида эмас, балки келин-куёв саруполарини кийиб, стадионнинг ярмини эгаллаган муаллимнинг уч ўғли ва уч кели-нида. Бу кўрсаткич янада ошарди-ю, лекин уй етишмаслигидан бўлса керак, аллақачон ҳарбий хизматни тугатиб қайтган икки ўғил келин-куёвлар қаторига қўшилмай қолди.

ТУХМАТ ҚИЛИБ, ТУТИЛДИ

Ташлоқлик бир ўспирини миршабларнинг иш билан шошиб турганлигидан фойдаланиб, ички ишлар бўлими жарима май-дончасига қўйилган белгисиз, ҳужжатсиз мотороллёрини етак-лаб чиқди ва қўшни туманда яшовчи тоғасиникига яшириб қўйди. Сўнг ортига қайтиб келиб, миршаблардан мотороллёрни топши-ни ё бўлмаса эвзига пул тўлашларини талаб этди. Афсус, бу «замзама» узоқ давом этмади: миршаблар мотороллёрни яши-рилган жойдан топиб келишди. Энди тўхматчининг тавба-тазар-рулари ўринга ўтмаяпти.

ТЕРМИЗЛИК ШАРОФ РАШИДОВ

Сурхондарё вилоят матбуот уйи ошхонаси ходими Зоир Рашидов хонадонига бешинчи ўғил дунёга келди. Ота ўғлига Шароф дея исм қўйди, чақалоқнинг туғилиш гувоҳномасига ҳам Шароф Рашидов деб рақам қилинди.

ЯХШИЯМ, ТАРВУЗ БОР ЭКАН

Шу туманининг Чопоршли қишлоғида сув келмай қолди — канализация бузилган эмиш. Қишлоқдагилар энди ноилж ҳар кун... тарвуз сўйиб, сувини ичишяпти.

Одамларку, иложини топишди, чорвага қийин бўляпти...

ШҮРВАДАН...АВТОЛ ҲИДИ

Самарқанднинг Челақ туманида сайёх «савдогар»лардан ов-қат ёғи сотиб олган аҳоли чув тушди: бадкор сотувчилар ёғга автол [мошинмойи] аралаштирғилари маълум бўлди. Одам-лар «автолчи»ларни тилка-пора қилишга тайёр. Бироқ улар ҳали қўлга тушишгача йўқ.

ТАТИМАДИ

Деҳқон йигитнинг орзуи ушалиб, уч дўсти билан «Зараф-шон» ресторанига тушди.

Эшитгани бор эди «Белый аист» деган коньяклар бор деб. Бу уюрди: «Чақанг борми, йигитча!» — эшитгани шу бўлди. Бир даста «юз», «беш юз», «мингалик» қоғоз рубллар қўлда, «аист» деганлари столда пайдо бўлди. Хоним хикоятимиз қиёфага кирди. Лекин...

...ЎЗИМНИКИ ДЕБ УЙЛАБМАН...

Пойариқнинг Дарвишқ қишлоғида яшовчи ўғригина Балқибой яна қўлга тушди. Ҳаққишлогои Ширинбой ака ундан «Нега мотосекилга тегиндинг!» деб сўраганда Балқибой «Кайф усти-да ўзимники деб ўйлабман», деди — деб хабар беради Дилму-род Санжар.

Бир куни

«ҲАЯЖОНЛАНИБ КЕТАЯПМАН»

Мамлакатимизга хориж-дан келиб-кетувчилар тобора кўпаймоқда. Ажнобиёларни кўриб, ўзимизнинг кимлиги-мизни англаймиз. Дунёнинг бизга муносабатини ўрга-наямиз.

Узоқ Шарқдан келган тижоратчи жаноблар идора-мизга ўта ситоплик билан ки-риб келишди. Бири-биридан савлатли, кўркем. Қарашла-ри давлатландларга хос — юкоридан. Ортиқча гап, ҳа-ракат йўқ, малол келгандек, бироз бепишандлик билан қа-дам ташланади.

Танишдик — таширфно-малар алмашдик. Одатдаги икки-уч оғиз шакарсуфтор-

ликдан сўнг, мақсадга яъни музокарага кўчдик.

Меҳмонлар биз билан ҳам-корликда қўшма корхона ошишмоқчи экан. «Марҳа-мат!» дедик. Шартларини ай-тишди. «Ўйлаб кўрайлик», — дедик.

— Мабодо, — деб қолди уларнинг раҳбари, — биз Ўз-бекистонга маҳсулот олиб келсак, қанча бож тўлаши-миз керак бўлади?

— Хусусан, қандай маҳсу-лот?

— Дейлик, озиқ-овқат, кийим-кечак?

— Нарг борса беш-ўн фоз.

— Ишонмайман! — қисқ қўзлари чарақлаб кетди жа-

нобинг. — Россия 35—40 фоз бож олар экан-ку!..

Хуллас, меҳмонларни сўзи-мизга ишонтиролмагач, мах-сус ҳужжатни кўрсатишга тўғри келди. Гуруҳ раҳбари уни қўлимдан юлиб олди-ю, ютоққанича кўз югуртири-чиди. Қўзларига ишонма-сандек, қайта-қайта ўқиди ва қафтларини бир-бирига иш-қалаб деди.

— Ҳаяжонланиб кетяп-ман! Ахир дунёнинг бирор мамлакатига чет эл капитал-и учун бундай қўлай шароит яратилмаган. Тезроқ ишга киришайлик.

Жонқобил ЖҮМА



Суратчи: Ҳ. ҚҮРБОНОВ

Янги рукн: ОСТОНАДАГИ УЙЛАР

Ушбу рукни «ОСТОНАДАГИ УЙЛАР» деб номладик. Унда Ватан истиқбол учун қайғуриб яшайдиган, эртанги куннинг заҳматларини ўз зиммасига ололадиган ёшлар билан мусоҳабага киришасиз.

Улар хоҳ шоир бўлсин, хоҳ олим, ёхуд доғули замоннинг ташвишларини ортмоқлаб бораётган деҳқонми — ҳаммасининг қалбида юксак армон, буюк дард борлигига гувоҳ бўласиз.

Самимий кюнчаклик билан битилган ушбу дил сўзлари Сизларни ҳам ҳаёт остонасида бир зум бўлсада ўйлантиради, эртанги кун сари чорлайди деган умиддамиз.

Янги рукнинг илк меҳмони, шоир Абдул Жалил дилида ҳам Ватанга муҳаббат, истиқболга ишонч туйғуси устивор. Ушбу остонадаги ўйлар Ватан ҳақида ўйлар демакдир, зеро буюклар айтмиш: Ватан ҳам остонадан бошланади.

АБДУЛ ЖАЛИЛ:

«ҒАФЛАТНИ ЁР ТУТДИМ»

— Абдул Жалил ака, кимдан «Бахтлимисиз!» деб сўрасангиз «Бир кам дунё» деб жавоб беради. Сиз-чи!..

— Кейинги йилларда шундай воқеалар содир бўлмоқдаки, уларни ўзича озми-кўпми тушуниб етган одам асло бахтсизман деб айтолмайди. Алдов ва зулм империясининг емирилиши, бошқалар қаторида Ўзбекистонимиз ҳам ўз мустақиллигини эълон қилиши, чет давлатлар томонидан тан олинаётгани, ҳаётимизга ҳурфикрликнинг кириб келаётгани... Бундай ўзгаришлар, ўзингизга маълум, алоҳида бир шахсни эмас, балки бутун бир авлод, бутун бир халқни бахтиёр этишга қодир ҳодисадир.

Оилага келсак, худого шукур, талашадиган молимиз йўқ. Умуман, бахтлиман деб айта оламан.

— Сиз тугилиб ўсган қишлоқ ва болалик... Шу хусусда нима дея olasиз!

— Аввало, ҳозир қишлоқларда бундан бор-йўғи ўн йиллар аввалги болалик гаштини топа олмайсиз. Болалик ҳам ташвишга кўмилган. Лекин қишлоқ болалари — ўша-ўша меҳнаткаш. Бугун, айтилик, бирор ўқитувчининг тўйига боринг-чи, қандай манзарани кўраркансиз? Кўпқари ёки бошқа бир қизиқарли томоша эмас, оммавий ароҳўрлик, жанжал-тўполонлар, отарчи раққосага пул қистириш мусобақаларининг устидан чиқасиз. Бошқа жойларни билмадим, лекин бизнинг Самарқанд томонларда аҳвол шу. Дунёда ҳеч бир халқ ўзининг бегуноҳ, норасида фарзандлари кўзи ўнгида, айтилик, бундай ялли ароҳўрликка йўл қўямаса керак.

— Яхшилик ва ёмонлик... Ҳаётин-

гизда қайси бирини кўп учратгансиз! — Қанча яхшилик кўрмайлик, лекин бир бор ёмонликка дуч келдикми, демак, ёмонлик кўп биз учун. Аммо таскин берадигани оз бўлса ҳам доимо яхшилик — голиб.

Алишер Навоий бобомиз айтди-лар:

Ким кўрди экин жаҳонда, оё, хушлуқ. То бир киши айлағай тамонно хушлуқ. Юз йилда асар бир ўлса пайдо хушлуқ. Омода дуррур ёнида юз нохушлуқ.

Турли одамлардан, дўстларимдан кўп яхшиликлар кўрганман. Ёмонликдан ҳам бенасиб эмасман, албатта. Лекин юракни қувонтирадиган ҳол — биз неча йиллардан буён буткул йўққа чиқариб, шаънига бўҳтонлар ёғдирганимиз — Худо яхши ниятли инсонлар тарафида экан.

— Келажакка ишонасизми!

— Шубҳасиз.

Ғамгин-ғамгин кўринар дунё...— дейди бир шаърида Рауф Парфи. Лекин дунё ғами юрагимизга нур берадиган ҳам шу охир-оқибат...

— Энг қувончли дамларингиз!

— Покиза дил, соғлом руҳ ва хотиржамлик билан Ҳўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий каби буюк болаларимизнинг мумтоз асарларини мутолаа қилишга киришгани пайт. Афсуски, алғов-далғов замонимизда бундай фароғатли дамларга етишмак амримаҳол бўлиб қолаётир.

Ҳар турли ташвишларни ташлаб, олис қишлоқдаги ота-онаминг кўриб келиш учун эрта саҳар йўлга чиққанамда ҳам кўнглимда шундай бахтиёрлик туяман.

— Оила мустаҳкамлиги, тинч-товушлигининг асослари нималарда деб ўйлайсиз!

— Катта фалсафа, умрлик фалсафа. Ҳўжа Аҳмад Яссавий ҳазратларини англамоққа интиламан:

Қаъба Халифани раъжидур, кўнгли Жалилнинг санжидур. Кўнгула бузгон ёлгончидур, бузми кўнгулни авлагил...

— Неча фарзандингиз бор! Уларнинг шоир бўлишларини истайсизми!

— Икки ўғлим бор. Уларнинг тарбиясига ўзим истаганимдек эътибор

билан қараёлмаяпман. Келажакда ким бўлишлари аввало тақдирга, кейин эса уларнинг ўзларига боғлиқ, албатта. Шоир бўлишса ҳам суюнардим. Ҳар нечук, сўзини яхши англаган одам ўзини яхши англайди. Ҳарқалай, ўғилларим қандай касб этганини тутишмасин, уларни ҳаётда ростгўй ва адолатпарвар инсонлар этиб тарбиялаш — муқаддас бурчим.

— Утган йилдан нима армонингиз қолди! Бу йилдан умидингиз...

— Хоразмга, Қашқадарёга, Золин ва Бахмалга бормоқчийдим, боролмадим. Кишлоқ кутубхоналари, умуман китобга муносабат ҳақида мақолалар ёзмоқчи эдим, бўлмади. «Ғам чўғининг япроғи» номли китобчам чоп этилмай қолди...

Умидларим кўп. Биттасини айтий: баъзи қариндошларимизни кўрмаганимга ўн-ўн беш йилдан ҳам ошиб кетди. Имкон топиб, улардан ҳолаҳвол сўраб боролсайдим...

— Шу кунларда қандай орзулар билан яшаясиз!

— Вақт топиб Шекспир асарларининг мутолаасига берилсам, инглиз тилини пухта ўрганишга киришсам... Ургутга, тоғ бағридаги ғўс қишлоғига бориб, улуғ шайх Ғавсул Аъзам ҳазратларининг муборак маконларини зиёрат этсам. Самарқанднинг азиз жойларини тавоф айласам деган ниётлар билан юрибман.

— Кимларга ачинасиз!

— Пасткаш одамларга ачинаман. Айниқса, ўзгаларнинг кўли билан пасткашлик қиладиганларга.

— Энг сўнгги ёзилган шеърларингиздан ўқиб берсангиз...

— «Мен ва ёғдулар» деган кичкинагина шеър:

Мен тонгни зор кутдим, чўзилди тун

ҳал.

Ғафлатни ёр тутдим, узилди кун ҳам.

Дилни абгор этдим, бузилди дун ҳам.

Мангу ташлаб кетди мени ёғдулар

Кўйдим мен учун-да кўнонди дун.

Дардларимдан дарлон туюнди дун.

Нойимда майсадек суюнди дун.

Эрка бошлаб кетди мени ёғдулар...

Шавқиддин БАҲРИ сўхбатлашди

Қандай яшаясиз?

ПАТТА СОТАЁТГАН БОЛА

(ТРОЛЛЕЙБУСДА ЁЗИЛГАН СУҲБАТ)

Бу боланинг исми Ботир. Троллейбусда патта сотади. Бошқа патта сотувчиларга ўхшаб бақириб чиқирмайди, қайта-қайта паттангиз борми?» деб сўрайвермайди. Олдингизга келиб каттагина чўнтагидан чиқиб турган патта ўрамадан сизга кераклисини узишга шайланиб индамайгина туради. Беихтиёр патта сотиб олмасиз, боланинг жажожлиги ва ширинлигини кўриб кайфиятингиз хуш ҳолда кулиб ҳам қўясиз.

— Ботир нечанчи синфда ўқийсан!

— Бешинчида.

— Чарчамаяпсанми!

Йўқ.

— Сени газетга ёзсам майлими!

— Қайга?

— Газетга.

— Ёмонлабми?

— Нега энди, яхши иш қиляпсан-ку.

— ...

— Ким олиб келди сени бу ишга!

— Адамла. Ана ўзлари троллейбус ҳайдаяптила.

— Кунни бўйи ишляпсанми!

— Йўқ. Дарсдан кейин.

— Мактаб яхшимин бу ишинг!

— Буниси қизиқроқ.

— Одамлар ёмон гапиршмаяптимми!

— Йўқ.

— Ҳақини тўламай тушиб кетаётганлари ҳам борми!

— Бор.

— Кўпми!

— Йўқ, жудаям оз.

— Пул сўрамайсанми!

— Индамайман.

— Патта йиртиб берганингда одамлар раҳмат айтишадими!

— Йўқ.

— Катта бўлсанг ким бўласан!

— Билмадим... Билмайди. Билмаслиги айб эмас — у ҳали бола. Мухими одамлар бошқа троллейбус, автобус ва трамвайлардаги каби қамоқхонанинг биттагина дарвозасидан ўтган маҳбусдек бир-бирини туртиб бир эшикка интилямапти. Асаби бузулмаяпти. Уларнинг ҳаммаси шу жажожигина бола туфайли.

Диллола ЮНУСОВА

Қадрдонимиз — нишонлик журналист Ортик Қиличев билан гурунглашайтганимизда у киши: Шерали Жўраев ижросидаги «Бола дунёни тебратар» (хонанда китобига ҳам шу номни қўйган) қўшиғининг тўғилишида бизларнинг ҳам ҳиссамиз бор, деб қолди.

— Бизлар деганингиз ким!

— Ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Мен, адилбардан Эврил Турон (Мамадали Маҳмудов) ва Тўра Сулаймон.

— Батафсилроқ ҳикоя қилсангиз,— илтимос қилдим.

— Бир йили Мамадали Маҳмудов иккаламиз нимадир ёзиш мақсадида Қизилкум яйловларига чиқиб кетдик. Отарма-отар юриб, чўпон-чўлиқлар ҳаёти билан танишдик. Улардан ажойиб байт, эртақ, ривоятлар эшитдик. Шундай кунларнинг бирида иттифоқо ўрта ёшлардаги бир чўпон гурунгимизга қўшилиб, кайфияти зўр маҳал хиргойи қилиб қолди. Шамол-шамолни тебратар, Шамол булутни тебратар, Булут ёмғирни тебратар, Ёмғир тупроқни тебратар. Тупроқ майсани тебратар, Майса бияни тебратар. Бия қимизни тебратар, Қимиз йигитни тебратар, Йигит сулувни тебратар, Сулув бешикни тебратар.

Биз дарҳол ёзиб олдик. Бошқа қизиқарли гаплар ҳам бўлди. Алламаҳалда чўпонлар отарларига кетишди, биз ўтовда тунадик. Сирдарёга қайтиб, шеърни қайта-қайта ўқигач, ундан беҳад завқ олдик. Айниқса, сатрлардаги соддалик, равоонлик бизни ҳайратга солди. Аммо шеър менга яқунланмагандай

БОЛА ДУНЁНИ ТЕБРАТАР

туюлди, шу сабаб ўзимдан икки қатор қўшишга журъат этдим.

Бешик болани тебратар,

Бола дунёни тебратар.

Орадан аллақанча вақт ўтди. Бир гал шоир Тўра Сулаймон билан гаплашиб қолганимизда, Қизилкум сафари ҳақида сўз очдим ва шеърни айтиб бердим. У киши жуда яхши экан деб дарҳол ён дафтарида ёзиб олди. Кейинчалик Шерали ҳофизга

Тўра Сулаймон шу матни ўқиб беради. Хонанда уни қўшиқча солади.

«Бола дунёни тебратар» халққа маъқул бўлди, тез тарқалди. Биз эса ажойиб қўшиқнинг дунёга келишига ҳисса қўшганимиздан қувониб юрамиз,— деб гапини тугатди Ортик ака.

Норкул ТИЛОВ
Қашқадарё



Суратчи: С. МАҲҚАМОВ

БОЛА ТУГУЛГОНДА ҚИЛИНАТУРҒОН АМАЛЛАР

Савол: бола туғулганда на қилинур? **Жавоб:** ушбу дуони ўқилур Аллоҳимма ажъалху каббиран ва анбитху фил ислами набатан ҳасан Маъноси, ё, Раб, ушбу болани солиҳ қилгилу ҳам яхши ўсмак бирла дини исломда ўстургил, демакдур. Андан сўнгра болани ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқомат айтилур. Андан сўнгра хурмо ила ва ё бирор ширин нарсанинг таъми бирла болани оғизлантирилур. Бола туғулган сўнгра онаси ҳам ҳаммадан илгари хурмо ошар. Еттинчи кунни болаға бирор яхши исм қўюлур, сочини олиб сочи вазнича олтин ва ё кумуш садақа қилинур ва ҳам ушбу кунда ўғил бола бўлса икки қўй, қиз бўлса

бир қўй ақиқа қилинур. **Савол:** болани ким эмизур? **Жавоб:** албатта онаси эмизур, болаға онасининг сүти гоьтда фойдалиқдур. Бошқа хотун эмизса ҳам дуруст бўлур, лекин сиҳат ва хуш хулқу хушбанаат хотун бўлмоғи лозимдур, чунки сүт бергон хотуннинг хулқу табиати эмган болаға сароят қилур. **Савол:** неча ёшгача эмизилур? **Жавоб:** икки ёшга тўлгунча эмизилур. **Савол:** қаю вақт хатна қилинур? **Жавоб:** етти кундан бошлаб етти ёшгача қаю вақт хатна қилинса бўлур, андан сўнгра ҳам бўлур.

«Ибодати исломия»дан олинди

РУКНИ МАҲМУД САЪДИЙ ОЛИБ БОРАДИ



ТУРОНЗАМИН — МУҲАДДИСЛАР ЮРТИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Туронзамин Оллоҳ ёрлақанган ўлка. Туркистондан буюк муҳаддислар, шайхлар, файласуфлар, шоиру адиблар етишиб чиққан. Улар ўзларидан авлодларга ўлмас маънавий хазиналар қолдириб кетганлар.

Маълумки, ислом динида Куръони каримдан кейинги энг мўътабар, ва ҳар соҳада мурожаат этиладиган манба пайгамбаримиз Ҳадиси шарифларидир. (Ҳадис,— Муҳаммад пайгамбар ҳаётлик чоғида айтган сўзлари, қилмишлари, кўрсатма-йўлланмалари, панд-насиҳату ўғитлари. Булар ҳаммаси ҳадис ёки суннат бўлаверган ва шундай аталган.) Ҳадис тўпловчи зотлар — муҳаддисларнинг энг буюклари ҳам Мовароуннаҳр фарзандларидир.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, IX аср ҳадис илмининг «олтин асри» деб эътироф этилган. Бу даврда «Кутуби ситта» («Олти китоб») номи билан бутун мусулмон оламида шухрат қозонган, «Ал-Жомеъ», «Суннат» китоблари битилган. Булардан Имом, ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳих» асари дунё уламолари тарафидан Куръондан кейин иккинчи ўринда турадиган китоб сифатида тан олинган. Таникли шарҳшуно олимлар — Шамсуддин Бобоҳон билан Абдусодиқ Ирисовларнинг «Ҳадис илмининг пешволари» («Нур», Тошкент — 1992) номли мўъжаз, бироқ мазмундор китобчасида «Имом ал-Бухорий, Ан-Насоий, Имом ат-Термизий, Имом ад-Доримий ас-Самарқандий, Абу Довуд Сулаймон, Ибн Моҷожа, Имом Муслим, ал-Ҳаким ат-Термизий ва бошқа, муҳаддисларнинг ҳаётлари, улар битган бебаҳо асарлар ҳақида, мухтасар сўз юритилади. Китобчада хусусан ҳадис илми, улғу муҳаддислар тўғрисида яхши маълумот, берилган. Имом ат-Термизий ҳаёти, фаолияти, асарлари эса анча кенг шарҳланган. Рисола охирида Ал-Бухорий, Ат-Термизий китобларидан ҳадислар, таржима қилиб келтирилган.

«Ҳадис илмининг пешволари» рисоласи ҳақидаги қисқача сўзимиз ниҳоясида муаллифлар таржимасида бир неча ҳадисларни сиз, азиз газетхонга тақдим этмоқчимиз.

Ал-Бухорий:

«Мусулмон кишининг уч кундан ортқк ўз биродаридан аразлаб, гина саклаб, гаплашмай-сўрашмай юриши мумкин эмасдир. Улардан қайси бири биринчи бўлиб саломлашса, ўшаниси яхшироғидир».

«Пайгамбардан:

— Исломда қайси амал афзал ҳисобланади,— деб сўрашибди. Шунда у киши:

— Тилидан ҳам, қўлидан ҳам бошқаларга зарари етмайдиган амал, барча амалларнинг афзалидир,— деб жавоб берибдилар».

«Мунофиқнинг учта белгиси бўлур: гапирса ёлгон гапирлади, ваъдасига вафо, қилмайди ва омонатга хиёнат қилади».

Ат-Термизий:

«Чинакам сабр-тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чидамиллигига айтилади»;

«Қариндош-уруғлар билан алоқани узган киши жаннатга даҳл бўлмас»;

«Кимнинг кўпроқ қиз фарзандлари бўлса ва у уларни сабр-матонат билан тарбият қилса, Оллоҳ қиёматида уни дўзах ўтидан фориқ этади».



БАЛОҒАТГА ЕТГАН ҚИЗНИНГ МАҲРИ

БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Мўмин-мусулмон оилада тарбияланган қиз ёки жувон турмуш қураар экан, у ўз маҳрига эга бўлмоғи лозим. Ўзбеки кўпчилик «Маҳр» нима, уни қандай қилиб адо этиш лозимлигидан тўталак бехабардир.

«Маҳр» балоғат ёшида турмуш қураётган қиз ёки жувоннинг шаръий ҳаққи ҳисобланади. Ислом адабиётларида аниқ кўрсатиб берилган. Қўйда шу ҳақда «Мухтасари виқоя» китобидан Нарвардигор насиб этганича тушунтириш берамиз.

Шариат ҳукми бўйича «Маҳр»нинг энг кам баҳоси бир танга ёки бир танга қийматига арзийдургон нарсадир. Бордию-ю ишети ва қиз никоҳланб шаръий эр-хотин бўлишда, танҳоликда сўхбат қилмай иккидан бири қаю қилса, тайинланган «Маҳр» қўйиш лозим бўлсин, хоҳ қўй бўлсин аталган кишига берилиши вожибдур.

Балоғатга етган қиз ва ишети никоҳланган, олдларида ҳеч ким бўлмай бирга ётишса-ю, жинсий алоқа қилишда ман қиладиган ҳолатлар бўлса (масалан, балоғат ёшидаги қиз ёки жувон жинсий алоқани ман қиладиган касаликка чалинган бўлса, ҳайз ва ниҳоса бўлса, турмуш қураган қизлари Рамазонни шарф рўзасига тўғри келса, бундай ҳолатларда уларнинг ўзаро яқинлик қилиши ман этилади) ва шу ҳолатда эр-хотиндан бири вафот этса, «Маҳр»га тайин қилинган нарса берилиши вожибдур.

Шаръий никоҳдан сўнгра, кўёв бўлмиш ишети кўйидаги касаликларга чалинган маълум бўлиб қолса, масалан, бирор сабабга кўра ишети нисе олати кесиб ташланган бўлса, жинсий алоқага ожиз бўлса, бундай ҳолатларда келин кўёвдаги касалик туфайли ундан талоқ талаб қилган, никоҳ пайти тайин қилинган «Маҳр»нинг ярмини бермоқлик вожибдур. Агарчи никоҳдан олдин «Маҳр» тайин қилинмаган бўлса, унда қўйлак, бошича ирдидиган рўмоқ ёки чодра бермоқлик вожибдур. Масаланинг иккинчи тарафи ҳам

бор. «Маҳр» талаб қилаётган қизга ҳусн: ақл, дину наът жиҳатидан тенг бўлган иккинчи бир қизнинг маҳрини қўридан зиёда «Маҳр» берилмайди. Энг кам белгиланган «Маҳр»нинг қиймати беш тангадан кам бўлмаслиги керак.

Айрим ҳолатларда у ёки бу шикдордаги «Маҳр» белгиланмасдан никоҳ қилинади. Бу никоҳ ҳам шаръий дурустдур. Яна шундай савол туғилиши мумкин, «Маҳр»га солинган нарсанинг қиймати бўлмас-чи? Яъни, тупроқми, бир дона буғдой ёки бир дона қўнжўтми, бир қўлтурм сувми. Мазкур нарсаларни шаръий жиҳатдан баҳо қилиб бўлмайди. Бу ҳолатдаги никоҳ ҳам дурустдур. Яна ўзи кўринмайдиган нарсаларни «Маҳр»га солиб никоҳламоқ ҳам дурустдур. (масалан, от, сизир, қўй қабилар). Бундай дейилишидан мурод шунки, юқорида номлари кўриб этилган нарсалар кўрсатмай «Маҳр»га солинганда, айтайлик никоҳ пайти кўёв тарафдан бир киши келиннинг «Маҳри» учун от берилганлигини маълум қилса-ю от кўрсатилмас «ки қандай от эканлиги айтилмабса, никоҳдан кейин келинча ўртача хилдаги от ёки унинг қиймати берилиши вожибдур.

Агар никоҳ олдиндан қиз бўлиши шарт бўлган «Маҳр»га юз танга тайин қилинса-ю никоҳдан кейин жувонлиги аниқ бўлса, тайин этилган «Маҳр»нинг ҳаммасини бермоқлик вожибдур. Уртадаги никоҳ ҳақиқий ҳисобланмайди. Юқоридаги аҳдлашчи бўйича балоғат ёшидаги мусулманнинг жувонлиги жинсий алоқадан олдин аниқланса, «Маҳр»га ҳеч нарса берилмайди.

Маҳрам бўлган қариндошга уйланиш, ибодати тўлмасан хотинни олиш, зўрлаб ўз никоҳига олмақ ёки озов (ни аёли) хотиннинг устига чўриши олмақ, буларнинг барчасида ўртадаги никоҳ фотиҳидир. Бу ҳолатлардаги никоҳнинг ҳеч бирида «Маҳр» вожиб эмас...

Шариат ҳукмига кўра, талоқ қилинган аёл, уч ҳайз кўриш мuddатида бошқаси турмушга чиқмайди. Ана шу мuddат тугагач, талоқ олган эридан ҳомила йўқлиги маъ-

лум бўлсагина, турмуш қўришига ҳақлиқдур. Бордию ҳомиладор эканлиги маълум бўлса, у ҳолда бола туғилиш ниҳосдан пок бўлгандан сўнггина бошқаси турмушга чиқишига руҳсат этилади. Исломда аёлнинг ушбу шаръий кўриш мuddати «идда» дейиллади.

«Маҳр» ва уни қандай адо этиш ҳусусида, «Мухтасари виқоя» китоби асосида баҳоли қудрат тушунтириш бердик. Китобнинг баён қилиш услуби кўпчиликка гализ туғилиши мумкин. Айниқса, қиз узатиш, ўғил уйлантириш ташвишида юрган ота-оналарнинг қўриқчилик ҳуқуқини тўқиб тушуниб етолмас. «Мухтасар» демоқчики, бўйсини ўзи ноҳор турмушга олиш, қандо ва шакарсиз дастурхонимизни янада ширсиз қилиб қўётган 20—30 минглаб пул сарфлаб келин олиш, қўриқчилик сўм қалин солиш исл мусулмончиликдан эмас экан. Хар бир ҳур фақрилик оила бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрмоғи лозим. Минг-миглаб қалин пули қайда-ю, арзимасан баҳодаги «Маҳр» қаёқда?

Изоҳ: Маҳрам кишилар қиллар эканлиги Куръони Каримнинг «Нисо» сурасининг 23-оятда қуйидагича таъкир этилган: «Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, алмаларингиз, холаларингиз, ақурақларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмизган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянчилари бўлган қизлари, шуларга уйланиш сизлар учун ҳаром қилинди... Агар хотинларингиз билан жинсий алоқа қилмаган бўлсангиз, уларни талоқ қилганингиздан кейин оналарингиз эрларидан туғилган қизларига уйлансангиз сизлар учун гуноҳ йўқдир. Эзиптиги қазарингиздан бўлган сингилларингизнинг хотинларига уйланишингиз, ҳамма она-сингилни, бирини талоқ қилмай иккинчисига уйланишингиз ҳам ҳаром қилинди...»

Шодиёр МУТАХХАРХОН

СИЗ УНИ ҚАНЧАЛИК СЕВАСИЗ?

1. Бир кўришдаёқ севиб қолдиш мумкинлигига ишонасизми?

а) нега ишонмайми, ахир ҳақиқий муҳаббат деганлари аслида шу-ку!

б) бунақаси ҳаётда бўлмайди, у — муҳаббат эмас.

в) баъзида шунақаси ҳам бўлиб туради.

2. Дўстларингиз Ундан нафратланса-да, сиз Уни севверарминдигиз?

а) шак-шубҳасиз севган бўлардингиз;

б) менимча севган бўлардингиз.

в) ҳеч қачон севолмасдим.

3. Илгари ҳам кўрган фильмизга У билан бирга борарминдигиз?

а) агар У илтимос қилса, албатта борган бўлардингиз;

б) ахир бу мен учун бахт-ку!

в) шарт эмас деб ўйлайман.

4. Агар бирорта даврада У дўстларингизга маъқул келмаса, нима қилган бўлардингиз?

а) дўстларимга тушунтиришга ҳаракат қилган бўлардингиз;

б) ўзимга мос бўлмаган жуфт танладимликим, деб ўйлашиб қолардим;

в) бундай бўлишни тасаввур ҳам қилолмайман.

5. У ҳақда сўзлаганингизда, аввало Унинг қайси хислатларига эътибор оерган бўлардингиз?

а) қадди-қомати, хушрўй чехраси, баъзида бетимсоллиги;

б) ақл-заковати, билими, тарбияси, ўзини тўғри оқлиши, дилкани суҳбатдонлиги, баъзида бетамла ҳамдони;

в) барча хислатларига. Чунки мен танлаган одамнинг фазилатларини санаб туратиб бўлмайди.

6. Сиздан йироқда Унинг нима билан машғуллигини биласизми?

а) рақибим йўқлиги сабабли ҳаммаблар билан бошимни қотириб ўтирмайман;

б) билман. Чунки биз сўнги учрашувдан кейинги воқеаларни доимо бир-биримизга ҳикоя қилиб берамиз.

в) биз эркинмиз. У нимани хоҳласа ишни қилишига ҳақ.

7. Бир кун келиб муносабатларингиз ўзгариши мумкинлигини тасаввур қилоласизми?

а) бу ҳақда ўйлашга қўрқаман;

б) эртами-кечми барибир шундай бўлади;

в) бир-биримизга шундай боғланиб қолганмизки, бундай воқеанинг бўлиши мумкин эмас.

8. Ҳаёт иккаламиз бирга бўлсаккина сўзладингиз.

а) севган ва севилган одам билан бундан бошқасини тасаввур ҳам қила олмайман;

б) ҳа, ёлғизлик зерикарлик;

в) бир-бирини чин дилдан севган одамлар учунгина уларнинг биргаликдаги ҳаёти сўзал бўлади.

9. Иккаламиз ёлғиз қолганда ҳаётнинг «буюк» символлари ҳақида суҳбатлашасизларми?

а) бу нарсаларга қарийиб нақчимиз йўқ;

б) нега гаплашар эканмиз;

в) ҳа, кўп гаплашамиз.

10. Танишган пайтнингиздан кейин У бошқа одамга илганиб бораётгандек туюлдимми?

а) У айнан мен тасаввур қилган одам;


б) У бошқа одамга айланиб бораётти, аммо менга ишониси ёқадим;

в) албатта, У илк дақиқаларда тасаввур қилганимдек мукаммал одам эмас экан.

ТЕСТНИНГ ОЧКИЧИ (БАЛЛАРДА)

1. а-10, б-8, в-7.
2. а-7, б-3 в-1.
3. а-6, б-7, в-3.
4. а-10, б-2, в-7.
5. а-2, б-7, в-10.
6. а-4, б-7, в-0.
7. а-9, б-1, в-7.
8. а-9, б-1, в-7.
9. а-2, б-1, в-7.
10. а-10, б-7, в-5.

ДАВОМИ 7-БЕТДА



ДЕҲҚОН ШАҲЗОДА

Англия газетлари хабар беришича Британия тожи вориси шаҳзода Чарлз икки хизматкори билан Шотландиядаги ер мулкда тўрт кун кўзқорин терди. Энг катта магазинларда сотилган ушбу ҳосил унга тўрт минг стерлинг даромад келтирди.

Шаҳзодани деҳқончилик билан шуғулланишга мажбур қилган «нарсаси ҳукуматнинг қарори экан: энди кирол хонадонининг олдингидек ўн бир эмас, тўрт аъзоси давлат қарамогиде бўлиши режалаштирилмоқда. Агар режа амалга ошса, шаҳзода Чарлз ҳамда унинг аёли мелика Диана ўзлари кунини кўришларига тўғри келади. Шаҳзода узоқни кўра биладиган чиқиб қолди: у картошка ҳам етиштирмоқда.

КИМГА ҚАНДАЙ

Швейцариянинг «Сиабеко» фирмаси Қирғизистоннинг вице-президенти Феликс Куловга «Волва» совға қилди. Бироқ, ушбу мамлакат матбуотининг ёзишича, у совгадан воз кечди. Сабаби: хоризг машинасига эҳтиёт қисм топиб бўлмас экан.

Айтишларича Бишкек кўчаларига бундай машиналардан анча-мунчаси кезиб юрибди. Уларнинг эгалари — тижоратчилар.

АЁЛЛАРИНИНГ ЖОНИ...

Хабаровск ўлкасида эркак судялар бошқа ишларга ўтиб кетишмоқда. Уларнинг ўрнига сайланган аёлларнинг сони еттигага етди. Энди ўлка судяларининг ярмини заифлар ташкил қилмоқда. Суд соҳаси «заифлашаётгани»нинг биринчи сабаби — ойликнинг оилани боқиб бўлмайдиган даражада озлиги, иккинчиси — ишнинг одам дош бериши қийин даражада оғирлиги экан.

ТОПҚИР САЙЕҲЛАР

Булғориялик минглаб ишбилармонлар БМТнинг Сербия билан савдони таъқиқлаш ҳақидаги қарорини ошқора четлаб ўтиш йўлини топишди. Қўшни давлат билан ёнма-ён яшайдиган топқир «куловли сайеҳлар» собиқ Югославияга бензиндонларини тўлдириб ўтиб, орқага эса бензин юқи билан бир амаллаб етиб олишмоқда. Чегара юкхона назоратчиларининг айтишича, битта текшириб ўтказиб жойидан бир ойда четга «оқиб» кетган бензин микдори тахминан 300 тоннага етган.

Чегара юкхоначилари энди фуқароларнинг чегарадан эркин ўтиш ҳуқуқини ойига икки сафар билан чеклаб қўйишни таклиф этмоқда.



Суратчи: Зафар СУЛАЙМОН



Меҳрибон синглим Манзураҳон! Таваллуд айёминг билан чин юракдан табриклайман. Оилавий ҳаётингда улкан-улкан ютуқлар тилаш билан бирга доимо бахтли бўлишингни истайман, деб аканг.

Ҳурматли ва азиз тенгдошларим Маликаҳон ҳамда Мақсудаҳон! Мен сизларни ёшларингизнинг яна бир қарра ошиши муносабати билан муборакбод этаман. Келажакдаги ишларингизга омад ёр бўлсин! МУРОД (САМАРҚАНД)

ХУСУСИЙ ЭЪЛОН

Вагон ўй сотилади. Ундаи тжорат магазини, дала ҳовли ўйи сифатида фойдаланиши мумкин. Телефон: 39-42-02, 22-42-06, 23-17-45.

ГЕМОРОЙНИ

тизатишнинг ишончли айлини айтаман. Маслаҳатим 100 сўм. Хатингизга қўшиб манзилингиз ёзилган хатжилд ва ўрнининг кватанциясини 73111 Қашқадарё айлоти, Косон тумани, Улғабек ноияли жамоа хўжалиги, Бойтерох қишлоғи, Мўмин ХОЛМА-РОДОВга юборинг.

30 ЕШДА

Тошкентлик, турмушга чиқмага ўзбек қизиман. Бўйим 165 см. Маълумотим олий — мактабда ишлайман. Бичиш-тикишни, ширин таомлар тайёрлашни, орасталикни ёқтираман. Ота-онам билан яшайман. 30—36 ёшлар орасидаги келишган, очикқўнғил, соғлом, баланд бўйли, олий маълумотли, Тошкентда яшовчи ўзбек йигити билан танишиб, бахтли оила қуриш ниятидаман. Суратим, иш ва яшаш жойимнинг манзили тахририятда. М. исмли қиз хатларингизни кутади. «Оила — 128» га ёзинг.

28 ЕШДА

Тошкентликман. Қизларим ўйли-жойли бўлиб кетишган. Ўғлим оиласи билан алоҳида ҳовлида яшайди. Мен кампирим раҳматли қазо қилганидан буюн ёлғиз ўзим 4 сотихли ҳовлида тураман. Ешим ҳам бир жойга бориб қолди Яхши-ёмон кунларимда ёнимда бўладиган, ўзимга мос бирор заифа бўлса, қолган умримни бир-биримизга суняч бўлиб, ҳамроҳликда ўтказсак дейман. Ҳали бардамман. Асли касбим ҳайдовчилик. Худого шукр, ҳозир пнеда эмасман, машинам бор. «Оила 129» ўз ҳамроҳини кутмоқда.



Шодиёр ҲАЗРАТ ИСМАТ — 1971 йил Самарқанд вилоятининг Жом қишлоғида туғилган. Айни пайтда ТошДД журналистика куллиётининг V курс толиби. Уйландан. Бир ўғли бор.

Нўмоннинг ҳар куни тонгда уйғониб, қиладиган юмуши оғилхонадаги молларига қараш бўлади. Сўнг эса ҳукумат муҳрлаб берган иш — қабристон қоровуллигига бош эгиб келади. Мозоратда ўтлаб юрган молларни ҳайдаб чиқаради. Ва қабристонда пайдо бўлган сассиқ кўзанларни тутиш учун қопқонлар қўяди. Гоҳида, хаёли тобласа, беш-ун сум пул бериб, Нўмонбой, мана шу қабрларни тозалаш бўлиб, деганларнинг илтимосини бажаради. Баъзи пайтларда эса марҳумни лаҳадга қўйишда шериклик қилади. Фақат шугина нарса унинг одамий кун тартибига ўзгариши киритишга мажбур этади...

Нўмонни баъзи одамлар «... бошқа иш топиб кетса бўлмайди!» дея орқаворатдан қойишади. Бу хилдаги таъналар ёши ҳали қирққа тўлиб-тўлмаган ҳар қандай енгил юмушнинг этагидан тугган одамга нисбатан айтиса арзийди.

Дўстлари Нўмоннинг пиёласидаги ароққа кул селиб туттишганида, у уйининг ёнида жойлашган тоғдаги қонда ишлаб, ким билсин, балки Фарҳодлик иқтидорини ҳам кўрсатиб қўйарми? Эки ҳадди сирга, текин тошларни киши билмас пуллаб, одамлардан ришват оларми? Гап бунда эмас, нобакор дўстлари худди ўзлари йўқолгани каби унинг ҳам соғлигини йўқотишган. Эндилда одамларнинг таъналари айбдор каналарни четлаб ўтиб, Нўмоннинг бошига ёғилади...

Мўрт маломатларнинг залворини писанда қилмасдан, ўз билгича юрган Нўмон кутилмаганда қишлоқ шўроси расининг ҳузурига келди. Уни тарвуз қоринли, бургут ниғоҳли раис — Нафлиев қабул қилди.

— Келинг, Нўмонбой, қалайсиз, дурустмисиз, соғлиқлар жойидами, уйдагилар ҳам яхши юришибдими? — дея Нафлиев ёдлаб олган гапларини айта туриб, уни зимдан кузатарди. — Аҳволим ҳам соғлиғимдан ёмон. Неча йилдан бери бир тийин олмасдан ишляпман. Ейман, ичаман, кияман дейдиган рўзгор мендаям бор. Ишимга яраша ҳақ тўлайсизларми, деб бу ерга келувдим, — деди у қимтиниброқ. Негаки, дардини осонгина изҳор қилаётди, Нафлиевга сўзлаб беришнинг фойдаси йўқлигини ҳис қилди.

Нафлиев доғули эди. Йилнинг қандай келарини биладиган устамон, Нўмонга рўйхушлик бермай, сиёсат қилди:

— Нўмонбой, қима қаромат кўрсатяпсизки, биз сизга мояна берсак. Бор-йўғи қабристонга қоровулсиз. Ҳар куни сизга ўхшаганлар келиб, бошимни гаранг қилишади. Бугун мана биринчи бўлиб, сиз галвани бошимга ортмоқчи бўляпсиз. Мунақа ишлар билан менинг бошимни қотирманг. Сизга ўхшаганларга эрмак бўлганим йўқ. Сиздан бошқам қиладиган ишларим кўп.

Бехосдан Нафлиевнинг овозлари мулоимлашиб қолди. зарур эҳтиёт чораларни қўлламоқчи бўлди. Нўмоннинг елкасига қўлларини оҳишта қўйиб, эшик олдиғача келди-да:

— Нўмонбой ука, сал қизишган бўлсам кечирасиз, кейинги пайтларда шунақанги бўлиб қолганимиз, қариликнинг таъсири бўлса керак. Бизниям тушунинг ука, ҳозирча иложимиз йўқ, кейинроқ келинг, — деб уни ташқарига чиқариб юборди.

Орадан бир неча ой ўтгандан сўнг Нўмон яна Нафлиевнинг ҳузурига борди. Нафлиев унинг арзини эшитиб бўлганидан сўнг, курсига суяниб, бепсанд жавоб қилди:

— Давлатнинг сизга берадиган ортиқча пули йўқ. Зиёратга келувчилар берадиган тушумга қаноат қилиб яшанг. Нўмонбой ука, гапимни кўнглингизга яқин олманг.

Ажойибхонадаги ажойиботларни томоша қилаётган одам каби Нўмон ҳам сен мен учун қурама эмасан, дегандек Нафлиевнинг бежо кўз-

ларига бир зум тикилиб турди-да, қабулхонадан чиқиб кетди.

Нафлиев уни оғзидан гуллаб қўймасин, деб чўчиди. Уни эшитадиганларни писанд қилмайди-ю, лекин кўрқади. Нафлиев биргина Нўмоннинг гапи туртки бўлиб, ўзи ейдиган роҳатлуқумлар хусусида одамларнинг лапар айтиб юришларидан ҳадиксирарди. Нафлиев худди оқ товۇқдек хирмон сочиб, ўзининг кети очилиб қолмаслиги учун керакли нимарсаларни, кези келса «кимарса»ларни ҳам қалқон қилиб, уларнинг ортида жонини асрайди. Тиззаси қалтираб, иллатини яширмоққа уринади. Мабодо худди қимматбаҳо тошларни аниқлайдиган маҳак тошига ўхшаш одамларнинг ҳам қимлигини аниқлайдиган ускуналар яратилганида эди. Шунда Нафлиев ва унга хос бўлганларнинг ҳолига маймунлар у ёқда турсин, ҳаттоки, мазоратда бесар афсуски кўзанлар ҳам ўқиб йиғлаган бўларди.

Бироқ Нафлиев мол эмас, одам. Унинг ичи бамисли очилмаган қўриқ. Қўриқда ҳамма нарса етарли, фақат биргина яхши бобгон даркор эди. Аммо барча ишни бошидан расвосини чиқарган одам ҳам ўша бобгон бўлади. У қўриқни ўзлаштирмай, тўқайга айлантириб, ёввойи жонотларни кўпайтирган... Афсуски, ношуд бобонга тегишли жазони бериш Нўмоннинг қўлидан келмайди. Қолаверса, ношуд бобгон яратган боғ аллақачон ҳосилга кириб бўлган...

Баҳор фақат қиру яйловларга эмас, балки Нўмон қоровуллик қилаётган қабристонга ҳам беизн кириб келди. Қабрлар ва яна қабр бўлажак ерларнинг усти кўм-кўк майсаларга бурканади. Лекин қиру яйловлардаги баҳорни кўришга одатланиб қолган кўзларнинг қабристондаги баҳорга бурилиб қарагиси келмайди. Хаёлларнинг чалғишидан ташқари, кўнгида маҳзун ҳоринликни сезиш исталмайди...

Нўмон икки тарафнинг баҳорига тенг шерик. Унинг бобо-момоларидан тортиб, то ота-онасигача ўзи посбон бўлган мазоратда дафн этилган. У ўзларининг хилхонасидаги қайси қабр кимники эканлиги ёки гўр остида ётганнинг таваллудидан то қазосигача бўлган вақтдаги кечмишларини яхши биларди.

Нўмоннинг оиласида ҳеч қутилмаган воқеа содир бўлди. Унинг ҳар неки дунёсига тенг шерик бўлиб юрган хотини қазо қилди. Хотини касал бўлмаган эди. Кечқурун ётди-ю эрталлаб... Нўмон хотинининг таъзиясида бўкириб бўлмаса-да, ўкириб йиғлади: «Мени кимларга ташлаб кетдинг, Мунаввар. Қаерларга кетдинг. Сен ўлганча, мен ўлсам бўлмасмиди, Мунаввар...»

Қишлоқда ҳеч бир эр зоти аёли қазосини топганида Нўмондек, дунёнинг ишларига қирғин қилиб, ҳақ фалак, деб йиғламаган эди. Тўғри, Ҳақ-

берди ҳам хотинининг таъзиясида оламни бузиб, увуфс тртиб йиғлаган. Одамлар Ҳақбердини анча вақтгача қалака қилиб, ортидан гийбат қилишган. Бироқ Нўмон бошқача, ич-ичидан ўзининг ҳам ажали яқинлашганини сезган каби йиғларди. У паймонаси тўлиб-тошганидан, умри бўйи йиғилган зардоблардан бир йўла қула бошлаётганини ҳис қилиб йиғлаётганди. Одамлар унинг устидан масхараомуз қўлишмади. Эрта бир кун улар ҳам бошига тушганидан Нўмондек ошқора ёки ҳеч ким йўғида тўйиб-тўйиб йиғлаб олишади.

Нўмоннинг кўз ёшлари устидан кулганлар вақти келиб, қон қакшаб йиғлаши тайин...

Рухсиз, одатий бесамар кунлар. Орзулари армонга айланиб улгурган Нўмоннинг ушбу кунлар енгидан етаклаб, охири гаму-ғуссага чўктирадиган даражага келтириб бўлганди. У ўзининг қўли оқиб Искандардек кетаётганлигини билди. Бунинг учун у кимларнидир айбдор санамайди. Ҳар

ганларнинг сони йўқ... Ана шу кўприкларнинг давомийлигидан сўнг, истастамас ер ҳам ёйилади...

Унинг оёқлари худди бўлиқ тупроққа ботгани каби ёмғирдан нам бўлиб кетган ерга ботганича, аста-секин ўзларининг хилхонаси томон йўл оларди. Тиззалари қалтираб, онасининг қабри ёнига тиз чўкди. Ёнидаги гўр эса отасиники. Иккаласига ҳам баб-баробарига илтижо қилади.

«Уйқучи эдим. Мени уйғотиб, томорқамиз чеккасидаги йўлакда емиш ташийтган чумолиларни кўрсатганча, ана, кўмурсқаларга қара, улар яшаши учун дон ташияпти, дегандингиз, ота. Она; сиз эса болам, ўзингизга эҳтиёт бўл, бирор жойингизга шикаст етмасин, деб айтардингиз. Иложим етганича насихатларингизга амал қилдим. Кўмурсқалардай дон ташидим, ўзимни эҳтиёт қилдим. Лекин ўзим йўлаганчалик бўлмади, она. Дон ташийтган кунларимнинг бирида шикастландим. Она, кўп нарсаларга қўрбим етмайди. Дастим қалталиқ қилади. Узимни ул-

ХИЛҚАТ

хил роҳат-луқумларни еб юрган нафлиевлар ва кунни оши ҳалолга қолган кўллаб нўмонлар умри поёнида дастидан ҳеч вако йўқлигидан теварак-атрофдагилар воқиф бўладилар.

У Искандарликни ҳеч қачон орзу қилмаган деб бўлмайди. Тусагани билан ўлиб қолсаям, бўғзини булбаб, Нафлиевдек кун кечирмоқни истамайди. Нўмон ўзининг соф ниятлар билан кечирган умрининг қадрини билади. Кетига мос курсиларни танлашда ҳатто ота-онасигача ришват тарзида бериши мумкин бўлган Нафлиев ва нафлиевчаларга кўз-кўз қилишга ҳаққи бор. Мабодо, Нўмоннинг ўрнида бошқа киши бўлса ва тепага қиқиб, баралла овоз билан нафлиевларнинг қилмиши хусусида нутқ ирод қилса, ҳангоматалаб оломон оғизларини ланг очиб турган чоғларида нафлиевлар қуллоқларини қўллари билан беркитганча ерга ўтириб олишади. Иложсиз оёғи қуйган товۇқдек питирчилаб, йўқ чораларни излашади. Замин эса ўша дамда Нўмонга ўхшаганларнинг уволини инобатга оларки, ёрилмайди. Аммо ер ярасининг жасоратлари — ёриқлари бор. Хаёлларни банд қилиш учун гумроҳларга фақат ёриқларнинг таъсир кучи камлик қилади. Нафлиевларга булар писанд эмас. Чунки, улар учун ёриққа тушиб кўприк бўлади-

дирсам керак, деб юрган пайтларим бўлади. Аввал сизларни ўйладим, сўнг болаларимни ўйладим, бу ишда нўноқлигимни билдим. Сизларнинг олдингизга энди мен ва яна қачонлардир невараларингиз келади. Дунёнинг ишларига қирғин тилаб, қари кампирлардай қарғишлардан қасида айтишдан бездим. Сиз гапирмайсиз, тўғри, гапирма оламмайсиз. Балки менга қаршидирсиз, эҳтимом, шаккоқлигимдан ёқа ушлаб, ўзингизча ҳаёлларга чўшиб ўтиргандирсиз. Бошқа йўғим қолмади. Оқибат шу экан, она».

Нўмон базўр қадам ташлаганича яна хотинининг қабри ёнида тиз чўкиб, тиловат қилди. У билан ўтган яхши-ёмон кечмишли кунларини эслади...

Гўрлар кўпайиб кетган, қайси қабр кимга тегишли эканини у яхши билади. Кейинги пайтларда ҳамма қабрлардан фарқ қиладиган янги гўр бино бўлди. Бу эса давлатнинг сизга берадиган ортиқча пули йўқ, зиёратга келувчилар берадиган тушумга қаноат қилинг, дегувчи Нафлиевнинг ҳашамдор гўри эди. Ҳатто, қабр ёнида ўсиб турган дарахтлар ҳам бошқа ниҳоллардан ажралиб турарди...

Хаёлини Нафлиев ҳақида беҳуда ўйлар эгалламасдан, бепарво кетаётган Нўмоннинг оёқлари ерга ботиб бораётган эди...



Суратчи: Фулом ПИРИМОВ

ОЖИЗАЛАР АЛОҲИДА ЎҚИШАДИ

1970 йилдан сўнг Амриқо-да маориф соҳалари учун аёл мутахассисларга эҳтиёж туғилиб, машҳур коллежлардан бир қанчаси ўз эшикларини қизларга очиб берган эди.

Мана 20 йил вақт ўтдики, аёллар коллежига ёзилиш давом этмоқда. Утган фурсат добайнида йигитларни қабул қилмоқчи бўлган қизлар мактаби толибалар ва муаллимларнинг қаттиқ қаршичилигига учради. Калифорния штатининг Окленд шаҳридаги Миллз коллежи толибалари

ўсмирларни қабул қилишга норозилик билдириб, иш ташлаш уюштирдилар ва коллеж раҳбариятини бирга ўқиш ҳақидаги қарорни бе-кор қилишга мажбур этди.

Маълумотларга кўра, Амриқо жамиятида энг обрўли аёллар хотин-қизлар коллежини битириб чиққанлардир. АҚШ кенгаш аъзоларининг 40 фоизи қизлар дорилфунуни, «Амриқо юдузлари» ҳисобланган аёлларнинг эса 30 фоизи табақалашган даргоҳларда таълим олганлардир. Аралаш ўқиганлар-

дан кўра, хотин-қизлар коллежининг собиқ толибалари айнан эрлар «соҳа»сида ҳам муваффақиятга эришмоқда.

«Миллий маориф маркази»нинг гувоҳлик беришича, аёллар коллежи толибалари аралаш ўқиган тенгдошларидан иқтисодда уч баравар, математика ва бошқа аниқ фанларда эса бир ярим баравар юқори малака олганлар. Бундан ташқари, аёллар келлежи битирувчиларининг аралаш ўқитиладиган дорилфунун ёшларидан иккинчи катта имконияти улар доктор-

лик унвонини ҳам оладилар.

Амриқо коллежлар ассоциацияси ўтказган тадқиқот бўйича таълим тизимидаги бу ўзгаришлар, яъни ўспиринлар билан қизларнинг алоҳида-алоҳида ўқитилиши аралаш ўқитиладиган дорилфунунда тирикчилик ташвишидан ортмаётган ўқитувчиларга ҳам қулай экан. Шунинг учун коллежни битирган қизлар ожизаликнинг «совуқ муҳити»дан бемалол чиқиб кетмоқдалар.

Яна тадқиқот муаллифларининг фикрича, аралаш ўқитиладиган таълимгоҳ ўқитувчиларининг қизларга қараганда йигитлар билан «оралиқ масофа»сиз мулоқот қилиши икки жинс ўртасидаги муносабатни қирқмоқда ва бундай рағбатсизлик толибалар истезодини сундириб, паст ўзлаштиришга сабаб бўлмоқда.

МАОРИФНИ ҚУТҚАРИНГ

Амриқолик толиб ёшлар миллат орзу-умидларини оқлай олмаяпти, уларга бериладиган таълим ўта лоқайдлик туфайли бошқа мамлакатлар кўрсаткичларидан қолиб қетмоқда,— деб гувоҳлик беради АҚШ маориф ҳисобот тафтиши. Маориф ҳақидаги маърузада айтилишича, 6 йиллик маориф дастурида эришилажак мувоффақиятлар белгиланган, аммо мамлакат ўқувчилари кутилгандан паст даражада академик ютуқларга эга бўлишди. «Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ўқишига етарли эътибор бермаслиги, ўқув дастурларининг ибтидоийлиги эртанги кунга ишонсизлик туғдирмоқда. Утмишда намунали бўлган ўқитиш ишлари ҳозирда болаларимизнинг илм-фан бўйича

бошқа мамлакатлар ўқувчилари билан муваффақиятли равишда рақобатлашувига имкон бермаётир, дейди Жанубий Королино штатининг маорифни текшириш губернатори Кэррол Кэмпелл.

«Амриқо ўта мағрурлик билан маорифдаги ўпирилишни сезмаётир, ўқишдаги ўртача ўзлаштириш ва маъжуд меҳнат кўникмаларидан қониқиш шунга олиб келадики, амриқоликлар маорифга келажак пойдевори эмас, балки тўсиқ деб қарамоқда» — маърузасини давом эттиради тафтишчилар. Губернаторлар миллий ассоциацияси томонидан уч йил олдин белгиланган мақсадларга маориф қанчалик эришганлиги муаллимлар, губернаторлар, кенгаш аъзоларидан иборат икки фирқа ўртасида

муҳокама қилиниб, Амриқода 2000 йилгача қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилди:

— барча болалар мактабгача ўқишга тайёр бўлиши;

— амриқолик ўқувчилар бошқа мамлакатлардаги тенгдошларидан математика ва аниқ фанларни ўзлаштиришда ўзиб кетиши;

— мактабларда гиёҳвандлик ва зўравонликни тэъқиқлаш;

— Амриқода ҳамма катта ёшдаги кишилар саводхон бўлиши шарт. Аммо ҳисоблаб чиқилса мамлакат олдида турган бу вазифаларни бажариш учун узоқ йўлни босиб ўтишга тўғри келади. Қуйидаги муқояса ачинарли ҳолдир: амриқолик ота-оналарнинг 5-синфда ўқийдиган фарзан-

ди стандартлаштирилган тестларда 20 фоиз натижага эриша олса, қувонади. Аксинча, Тайван ва Епония шаҳарларида яшовчи ота-оналар учун фарзандларининг бали Амриқо учун олий бўлган 20 фоизга тушиб қолиши уят ҳисобланади.

Текширишлар кўрсатган яна бир қайғули хулоса: «8-синф ўқувчиларининг фақат математикадан ёмон ўзлаштирувчи учдан икки қисми ўнинчи синфда қолган фанлардан ҳам чуқур билим ололмайдилар, бусиз эса бошқа мамлакат ўқувчиларидан маориф соҳасида ва аниқ фанлар бўйича илгарилаш осмондан чалпақ куттишдек гап.

«МЫ» ҳафталигидан Алишер ШОЙИМ таржималари

СИЗ УНИ ҚАНЧАЛИК СЕВАСИЗ?

ЖАВОБЛАР

БОШИ 5-БЕТДА

30 баллдан оз бўлса: Уртангиздаги дўстона муносабат сиз учун Унинг шахсидан, инсоний хислатларидан кўра муҳимроқ ва қадрироқ экан. Эҳтимол, сиз уни етарли даражада билмасиз. Сиз Унинг кўпроқ ташқи хислатлари билан қониқаясиз. Ичингизда: «Қандай галлабага эришдим, қандай одамни қўлга киритдим!» деб хўрсанд бўларсиз. Ваъзидда бундай ҳолат одамга хўш ёқади, аммо эҳтиёт бўлинг: ахир сиз ўзгалар учун эмас ўзингиз учун жуфт танлаясиз!

31 баллдан 65 баллгача: Ҳақиқий муҳаббат шундай бўлади: сиз ўз жуфтингизнинг ҳам ташқи томонини, ҳам хислатларини ардоқлайсиз. Сиз нафақат Унинг одобию фазилатларини қадрлайсиз, балки Уни бор бўйича

севасиз. Уни билишга ва тушунишга ҳаракат қиласиз. Ўз ҳаётингизни боғлаган инсон билан қизиқасиз. Иккалангиз биргаликда ҳар қандай ишга қодир эканлигингизни биласиз.

65 баллдан юқори: Муҳаббат деганлари кўп гўзал нарса! Аммо икки ёш муҳаббат туйғусини эмас, балки бир-бирларини севсаларгина шундай бўлади. Сиз туйғунинг атрофида шунчалик ўралашиб қолгансизки, севган одамнингизнинг ўзини кўрмайсиз, фақат У ҳақидаги тасавуриңизга таянасиз. Сиз ҳаётингизнинг маҳсули бўлган сиймони эса, ўз маҳбуб(а)нингизни яқиндан билишга ҳаракат қилинг.

Хўжакели ОЛИМ

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЁҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА
Тўлқин ҲАИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР
ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондик
БЕРДИЕРОВ
Мейли
ИУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Урол
УЗБЕК
Асқар
АЛЛАБЕРДИЕВ
Абдумуталлиб
РИЗОҚУЛОВ

Таҳририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —
Тошкентдаги
СЭВИЖ
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Сирдарё
«Оқ олтин»

дон маҳсулотлари
корхонаси
МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намоийшлар
хнебони,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси 4654
Буюртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

1 2 3 4 5 6
7 8 9 10 11 12



Суратчи: С. МАҲҚАМОВ



Асака деганда қалбимиз торидан ажиб мусиқа таралгандек бўлади. Бир оҳанг вужудимизнинг қатқатига сингиб кетади. Шу юртда камол топган санъаткорлар шу шараси кўз ўнгимиздан ўтади. Сухбатдошим ша шажара вакилларидан бири, хонанда Санобар Раҳмонова.

— Санобар опа, инсон учун энг азиз нарса, албатта, болалик йиллари бўлади. Сиз ҳам болалик хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз!...

— 1959 йили Асакада таваллуд топганман. Отам чўпон эдилар, онамининг умри ҳам отарма-отар юриб кўй-кўзи етаклаб ўтган. Мен ҳам отам билан сурув-сурув кўй

боққани чиқардим. Ушанда беҳудуд қир-адирлар қалбимга завқ бағишлар, беихтиёр кўшиқ хиргойи қилардим. Кейинчалик бастакор Фуломжон Рўзиевдан кўшиқ айтиш йўллари ўргандим. Кўп кўшиқларим устоз кўмагида бунёдга келган. Уша йиллари олинган «Куйла Санобар» телефилмини эсла-

сам, ҳали-ҳамон ҳаяжонга тушаман.

— Янглишмасам, филм 1974 йили томошабинларга ҳавола этилганди. Айтишларича, Шароф Рашидов санъатингиздан завқланиб, оилангизга данғиллама иморат солдириб берган эканлар. Шу ростми!

— Ота-онам чўпон бўлганликлари учун яхшироқ уйимиз йўқ эди. Балким Шароф ота қишлоқнинг оддий одамларига саховат кўрсатмоқчи

пул йиғибди». Устимдан бир челақ сув ағдарилгандек бўлди. Наҳотки, одамлар шунчалликка борган бўлсалар!.. Санъатдан ҳафсалам совиб кетди. Ҳозирдан шундай дейишса, таниқли санъаткор бўлганимдан кейин нима дейишарди? Хуллас, шу ўйлар билан мактабни битиргач, Андижон пахтачилик олийгоҳига ўқишга кирдим.

— Тўрмуш ўртоғингиз, хонанда Илҳом Жўраев билан қандай танишгансизлар!

— Кўп йиллардан буён ишламас экансиз. Бунинг сабаби нима!

— Ишламаслигимнинг айтирлик сабаби йўқ. Узим хоҳладим. Етти йил Андижон филармониясида хонанда бўлиб хизмат қилдим. Филармония тугатилгач, Тошкентга боришга имконият тополмадим. Раҳматли қайнонам тилгожа топилмас аёл эдилар. Кенжа келини бўлганлигим учун хизматларини қилай дедим. Қолаверса, аёл киши-

САНОБАР РАҲМОНОВА:

АЙТИЛМАГАН КЎШИҚЛАРИМ БОР

бўлгандир. Данғиллама эмас, ҳар ҳолда ҳукумат томонидан уй-жой қуриб берилган эди. Афсус, замона зайли билан у киши қораланганида иморатимиз ҳақини отамдан ундириб олишганди.

— Санобар опа, нега ўзингиз қизиққан соҳада ўқимай, айнан Андижон пахтачилик олийгоҳини танладингиз!

— Едингизда бўлса, филм-концертнинг сўнгида олиб борувчининг «Санобар, сенинг ким ва қандай бўлишинг атрофингдаги одамларга боғлиқ» деган сўзлари бор. Уша сўзларни эсласам, ҳамон кўзларимдан ёш чиқиб кетади. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда катта-катта тadbирларга тез-тез қатнашиб турардим. Бир куни Тошкентга кўшиқларимни ёздириш учун тақлиф этишди. Бордим. Ораван уч-тўрт кун ўтгач, нохуш гап-сўзлар тарқалибди. Эмиши, «Санобар бир йигит билан Тошкентга борибди. Жиззахдаги катта тўйда ашула айтиб, отарчилик қилибди,

— Илҳом ака билан узокроқ бўлса-да қариндошимиз. Бир қишлоқда ўсиб катта бўлганмиз. Раҳматли қайнонам ва қайнонамлар оддий соҳа кишилари бўлса-да санъатни юракдан севишарди. Илҳом ака икковимиз санъатда йўлимизни топиб кетишимизни орзу қилишарди.

— Кўпчилик Санобар Раҳмонова каби санъаткорларнинг армони бўлмаса керак, деб ўйлашарди!..

— Айтиш лозим бўлса, бахтли оила бекасман. Уч фарзандим бағримда. Менимча, инсон тирик экан, у ҳеч қачон армонга бегона бўлмайди. Менинг ҳам армоним бор. Санъат оламида кўнглим орзу қилганидай парвоз эта олмадим. Илҳо, ғибатлар юрагимни яралаган эди. Кейинги кўшиқларимни юракдан айтлолмаганга ўхшайман. Кўпчилик «Санобар, нега аввалгидай кўшиқ айтмаёсангиз!» деб сўрайди. Бунинг учун инсон руҳи чўкмаслиги керак экан.

нинг бурчи, аввало, болаларига тарбия бериш. Очғини айтсам, ишлагим ҳам келарди. Аммо мутахассислигим нокулай.

— Кейинги пайтда ойнаи жаҳонда кам кўринясангиз!..

— Боя айтганимдай қишлоқда яшаймиз. Марказга ҳадеб қатнашга вақт йўқ. Лекин тўрмуш ўртоғим Тошкентда Мухиддин Қориев номи узбек давлат филармониясида хизмат қиляптилар, янги-янги кўшиқлар яратяптилар. Шунинг ўзиёқ юрагимга сурур, қувонч бағишлайди. Келажакда қизимиз Дилбар ва ўғилларимиз Ислонбек ва Ихлосбеклар ҳам изимиздан боришса ажаб эмас. Зора, улар менинг ушлагаман орзуларимни рўёбга чиқарсалар.

— Айтганингиз келсин!

Мукааррама ҒАНИЖОН қизи суҳбатлашди

МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИГА МАРҲАМАТ

Сиз «Останкино» телевидениеси орқали намойиш қилинадиган «Поле чудес» кўрсатувини яхши биласиз. Сизда ҳам йўнда иштирок этиш истаги тугилган бўлиши табиий. Ишонаверинг, орзуингиз ушаладиган бўлди.

Андижон вилояти Пахтабод туманидаги Улуғ Ватан уруши II тоифа ногирони Мухторжон Ҳакимов номидаги ишлаб чиқариш ва тижорат хусусий кичик корхонаси ушбу йўнни Узбекистон миқдосида қайтадан ташкил этиб, Сизларни 21 ноябр соат 15.00 да Тошкентдаги Тўқимачилар маданият саройида қизиқарли шоу — дастур асосидаяи

«МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ»ГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Уйинга видеомагнитофон, музлатгич, чангютгич, стереомагнитофон, телевизор, қир ювиш машинаси ва биллур сервизлар, пардоз анжомлари, эркаклар кўйлаги, хон атлас, соябонлар, болалар кийимлари каби ноёб ва қимматбаҳо ютуқлар қўйилади.

Уйин иштирокчилари томошабинлар орасидан савол бериш йўли билан сараланади. Бундан ташқари томошабинлар учун ҳам умумий ютуқли йўин ўтказилади.

Дастурга таниқли хонанда ва қизиқчиларнинг чиқишлари ҳам киритилган.

Сиз «Мўъжизалар майдони»да Узбекистон тарихининг янги, ҳаққоний талқиндаги саҳифалари билан танишиш имконига эга бўласиз.

Хуллас, «Мўъжизалар майдони»да Сизни бир қатор тасодифий мўъжизалар кўтмоқда.

Дастурни Рамиз Қодиров олиб боради.

Чипталар Тўқимачилар маданият саройи кассасида сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси — 45. Маълумот учун телефон: 53-36-65.

ОНА ЮРТНИНГ ТУПРОҒИ

Термиз туманининг Таллимаржон қишлоғилик Мўмин Абрай ўғли 1933 йилда Буюк Босқин — большевизмнинг қасридан оиласи билан Ватани ташлаб кетади. Уз юртига сигмаган муҳожирларга Афғонистон бошпана беради. 1939 йили оилада ўғил туғилади. Унга Турди деб исм қўядилар. Исмга боис шуки, шу болагача бўлган вақт орасида туғилган болалар гўдаклигидаёқ нобуд бўлиб кетишган эди. Турди 17 ёшга кирганда ҳам отадан, ҳам онадан етим қолди. Ота-онасининг сайъҳаракатлари билан Турди шу ёшгача исломий илмдан чуқур хабардор бўлган эди. Кейинчалик Турди Саудия Арабистонига йўл олди. Мадинаи Мунавварада истиқомат қилди. У ерда Турдига шайх Абдурахмон деб исм беришди. У Исломилиннинг зукко кишиларидан бўлиб етишган эди. Сурхондарё вилоятининг имом-хатиби ҳожи Тошболта Чориевнинг далолат беришича, шайх Абдурахмон Мадинаи Мунавварадаги йирик жоме масжидида қатор йиллар имомлик ҳам қилган.

...Шайх Абдурахмоннинг қалбига тириктириб, Ватандин айро тушган азиз ота-

онасининг адоқсиз армонлари, ҳасратлари жойлашади. Азиз падари бузруквори, мунис волидаси Турдиннинг кулоғига Ватанда қолган хешақраболари ҳақида қуйишган эди. Оқ-армонга тўла қайна йиллар кечди. Қалин музликлар парча-парча бўлиб, эришга юз тутди. Шайх Абдурахмон эллик уч ёшида она юртига ташриф буюрди. Уни Термиз тупроғида қариндошуруғлари, юртдошлари кутиб олишди. Шайх Абдурахмон қондош, жондош оғайнилари, биродарлари билан дийдорлашиш бахтига мушарраф бўлди.

...Шайхнинг аввалдан ичда дарди бор эди. Уша дард Ватанга келиб яна қўзиди. Ватанга келганига йигирма кун тўлмай уни қасалхонага ётқизишди. Бир ҳафтадан сўнг эса шайх чин дунёга йўл олди. Марҳумни Термиз туманидаги Сўлтон Саодат мазорига дафн этишди. Жаноза кўни йирилганларнинг сон-саногини йўқ эди. Ажиб бир яқун, ажиб бир ҳикмат: шайхни хориждан, бир неча минг қақирим нерида она юртининг тупроғи тортиб келган экан.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ, Сурхондарё вилояти